



МИЛЛАТИМИЗ ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТИДА ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ

Ш.Усмонов

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD).

Фарғона давлат университети

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8076675>

ARTICLE INFO

Received: 16th June 2023

Accepted: 23th June 2023

Online: 24th June 2023

KEY WORDS

Толерантлик, бағрикенглик,
дин, сабр, чидамлилик,
ҳамдартлик, ўз-ўзини
англаш, толерантликка оид
тушунчалар, толерантлик
мулоқоти, толерантлик
муносабати.

ABSTRACT

Ушбу мақолада толерантлик тушунчаси, унинг моҳияти ва миллатимиз характер хусусиятида толерантлик маданиятини таркиб топиши ҳамда уни мамлакатимиз ривожига хиссаси ҳақида атрофлича ёритилган.

Кириш. Ўзбек халқи ўзининг шаклланиши ва ривожланиши даврида ўзига хос бағрикенглик, сабр-тоқатлилик хусусиятларини ривожлантириб келаётган халқлардан биридир. Унинг бу хусусиятлари мустақиллик йилларида янада ҳам ёрқин намоён бўлди.

Ўзбек халқи ўзининг тарихий тараққиёти мобайнида миллатлар ўртасида толерантлик ғоялари асосида яшаб ва тарғиб этиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди.”¹

Асосий қисм. Турли миллат ва элатларни бир-бирларига яқинлаштиришда, улар ўртасида тинчлик, дўстлик, биродарлик ва ўзаро ҳамкорлик туйғуларини қарор топтиришда толерантлик муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода толерантлик тушунчасининг моҳиятини ва маъно-мазмунини асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев.- Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016.-9 б



Мунира Воҳидова ўз тадқиқот ишида толерантликка қуйидагича таъриф берган: «толерантлик -бировларнинг ҳуқуқларини чекламайдиган ва амалдаги қонунларни бузмайдиган муайян инсонни, унинг фикрини, ўзгалар маданияти, дунёқараши, ахлоқий позициясини қандай бўлса шундайлигича тан олишга тайёрликдир»²- деб таъриф берган.

Тадқиқотимиз учун толерантлик маданияти тушунчасининг моҳияти, унинг таркибий қисмларини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Бизнинг назаримизда толерантлик маданияти:

- А) толерантликка оид тушунчалар;
- Б) толерантлик мулоқоти;
- В) толерантлик муносабатидан ташкил топади.

Толерантликка оид тушунчалар – Толерантликка оид тушунчалар узоқ асрлар давомида шаклланди ва ҳозирги вақтда ҳам турли белгилар билан тўлдириб борилмоқда. У турли маданият ва халқларнинг тарихий тажрибаси билан боғлиқликда хилма-хил кўринишларда намоён бўлади. Толерантлик ўзгаларга нисбатан чидамли, очиқкўнгилли, меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенгфеълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча. Толерантлик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қуйда бунга риоя этишни англатади. Толерантлик тушунчаси турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади.

Толерантлик мулоқоти - бу инсонларнинг ўзаро бир-бирлари яқинлик билан мулоқотга киришишни англатади. Мулоқотга киришувчи инсонлар қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим: одамларга нисбатан кўнгилчан бўлиш, меҳрибонлик, бошқаларга ҳамдард бўлиш, тинглай олиш, ички (ҳиссий) сезгирлик, шахснинг ҳаракатчанлиги, иродавий таъсир кўрсатиш ва мантиқий ишонтириш.

Толерантлик муносабати - шахслараро биргаликдаги ҳаракат, яъни одамларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида таркиб топадиган алоқалари ва ўзаро бир-бирларига таъсирининг йиғиндиси сифатида юзага чиқади.

Ўзбекистонда толерантлик маданияти олий инсоний қадрият бўлган демократиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, у ижодий ўзаро таъсирлашув ва умуман ижод тизимининг ҳам муҳим омилидир. Бу эса, ўз навбатида, толерантлик маданиятининг барча ижтимоий муносабатларда мантиқан шаклланиши объектив зарурият эканлигини билдиради. Бу биринчи навбатда, таълим-тарбия жараёнида, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатларида алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса. Толерантлик маданиятининг шаклланиши таълим жараёнида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Таълим жараёнига толерантлик маданияти

² М.Воҳидова. Толерантлик – ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш омили. – Фал.фан.ном. ...дисс.афтореф. – 2010 – Б.10.



тамойилларини эркин олиб кириш, бир томондан, таълим самарадорлигини ошишига яқиндан ёрдам берса, бошқа томондан, толерантлик маданиятининг, ижтимоий муносабатларнинг бошқа шаклларида ҳам намоён бўлиши учун катта имкониятлар яратади.

Толерантлик маданиятига эга бўлган инсонни тарбиялаш, турли маданиятлараро муносабат мактабининг юқори вазифаларидан бири сифатида юзага чиқади. Бундай инсон, бир-биридан фарқ қиладиган маданиятлар, фаолият шакллари, қадриятлар, дунёқарашларни ўз тафаккури ва фаолиятида бирлаштирадиган ҳамда дунёда тинчликни таъминлашга, шу билан биргаликда жамиятни ривожлантиришга ёрдам беради.

References:

1. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев.- Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016.-9 б
2. М.Воҳидова. Толерантлик – ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш омили. – Фал.фан.ном. ...дисс.афтореф. – 2010 – Б.10.
3. Usmonov, S. A. (2020). OPPORTUNITIES WITH WORKING ABILITY CHILDREN IN EDUCATION. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 298-300).
4. Usmonov, S. A. (2020). PROBLEMS AND SOLUTIONS WITH WORKING ABILITY CHILDREN. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 177-179).
5. Usmonov, S. A., & Xoldaraliyeva, A. A. Q. (2021). TALABA YOSHLARNI TOLERANTLIK RUHIDA TARBIYALASHNING PSIXOLOGIK TAMOILLARI. Academic research in educational sciences, 2(5), 73-77.
6. Усмонов, Ш. А., Закирова, М. С., & Нуриддинов, Р. С. Ў. (2021). ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДА АҚЛИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИНГ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛИ. Современное образование (Ўзбекистан), (9 (106)), 12-16.
7. Axmadjonovich, U. S. (2022). EMPIRICAL ANALYSIS OF THE IMPACT OF SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS ON MASTERY INDICATORS IN STUDENTS.
8. Usmanov, S., & Absalomov, E. U. (2020). IMPROVEMENT OF TOLERANT CULTURE IN THE FAMILY. Theoretical & Applied Science, (1), 674-676.
9. Maftuna, U., & Nishanov, M. (2021). The use of multimedia in the teaching of analytical chemistry in higher education. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 2(1), 276-279.
10. Davlatjonqizi, U.M. (2021). Possibilities of using digital educational technologies in teaching analytical chemistry. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(5), 537-540.
11. Abdulazizova, X.M., & Usmonova, M.D. (2020). PSYCHOLOGICAL HEALTH IN CHOICE OF PROFESSION. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 234-236).



12. Usmonova, M.D., & Ibrohimova, G. A. (2020). EDUCATION OF CULTURE OF TOLERANCE IN A NATIONAL CHARACTER. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 174-176).
13. Usmonova, M.D., & Parpiyev, O.A. (2020). PROBLEM OF PSYCHOLOGICAL HEALTH IN EDUCATION. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 287-289).
14. Usmonova, M.D., & Bozorova, Z.Z. (2020). THE ROLE OF INTERPERSONAL COMMUNICATION OF FORMATION IN HEALTHY PSYCHOLOGICAL ATMOSPHERE AMONG PRESCHOOL CHILDREN. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 131-133).